

Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража


Маркетинг ва сотувлар

соҳаси бўйича

Ўқитувчи Ресурслари

Ўқув-услубий материал

2-нашр



Edexcel, BTEC va LCCI малакалари

Edexcel, BTEC va LCCI малакалари бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

Pearson ҳақида

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги лидер ўқитиш берувчи компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com. сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).

Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.

ISBN 978 1 446 96523 8

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади

Мундарижа

Кириш	1
1-модул: Маркетинг асослари	3
Ўқув қўлланма	3
Иш схемаси	11
Дарс режаси	31
Мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси	73
2-модул: Маркетинг коммуникациялари ва техникалари тамойиллари	77
Ўқув қўлланма	77
Иш схемаси	85
Дарс режаси	107
1-мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси	151
2-мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси	155
3-модул: Рақамли технологиялар даврида маркетинг	159
Ўқув қўлланма	159
Иш схемаси	165
Дарс режаси	187
Мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси	229
4-модул: Савдоларни бошқариш принциплари ва амалиёти	233
Ўқув қўлланма	233
Иш схемаси	247
Дарс режаси	269
Мустақил топшириқнинг қисқача йўриқномаси	311
5-модул: Истеъмолчининг хатти-ҳаракати	315
Ўқув қўлланма	315
Иш схемаси	325
Дарс режаси	347
Мустақил топшириқнинг қисқача йўриқномаси	387
6-модул: Халқаро маркетинг	391
Ўқув қўлланма	391
Иш схемаси	399
Дарс режаси	419
Мустақил топшириқнинг қисқача йўриқномаси	459

Кириш

Ушбу манба буклети Pearson ВТЕС Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Професионал Диплом спецификациясига қўшимча ҳисобланади. Спецификация сизга нима ўрганилиши ва нима баҳоланиши кераклигини кўрсатиб беради. Мазкур манба буклети сизга буни қандай бажаришингиз тўғрисидаги таклиф ва ғояларни тақдим этади.

Ушбу буклет сизга таълим бериш ва ўқитиш учун ғояларни, жумладан амалий тадбирларни, реал сценарийларни, иш берувчиларни мустақил ўқитишни тақдим этиш ва бошқаришга жалб этишни ҳамда тестларга тайёргарлик усулларини таклиф этади. Шунингдек, буклет сизга спецификациянинг ўз ичига олган маълумотларини амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатади ва сизни малакангиздан фойдаланишнинг турли усуллари ҳақида ўйлашга ундайди.

Мазкур манба буклети сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакадаги модулларни қандай ўқитиш тўғрисидаги қўлланмани;
- малакадаги модулларни ўқитишда ёрдам берадиган, тавсия этиладиган манбаларни;
- бутун малака бўйлаб барча модулларда қамраб олинadиган мавзулар, топшириқлар ва баҳолашларни тушунтириб берувчи иш схемаларини;
- модулларга доир дарсларни қандай олиб бориш тўғрисидаги батафсил қўлланмадан иборат дарс режаларини;
- малакадаги барча модулларнинг баҳоланишини ўтказишни қўллаб-қувватлаш учун мустақил топшириқ брифларини.

Ушбу манба буклетидаги маълумот малакалар ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан тўпланган, шунинг учун улар ВТЕС малакаларининг янги ва қизиқарли усулларини излашнинг муаммоларини тушунадилар.

Мазкур буклетдаги ўқитиш бўйича йўриқнома сизга малакани тақдим этишни режалаштиришдаги эътиборга олинishi лозим бўлган маълумотни беради. Унда қуйидагилар ҳақида маълумот берилган:

- малакангизнинг тузилмаси;
- ўқувчиларингиз учун малакани қандай шакллантиришингиз мумкинлиги;
- тегишли иш берувчилар билан қандай боғланишингиз тўғрисидаги таклиф;
- бошқа қўллаб-қувватлаш ва мавжуд манбалар тўғрисида маълумот.

Биз сизга индивидуал қўлланма тақдим этмоқдамиз. У ўқув мақсадларига ва модул таркибига бўлган ёндашувлар ҳақида таклифларни ҳамда қизиқарли ва турли хил машғулотлар учун ғояларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, унда ўз топшириқ ва вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш тўғрисида маслаҳатлар ва ғояларни топишингиз мумкин.

Биз ҳар бир модул учун диққат билан саралаб олинган манбалар рўйхатини киритдик. Ушбу манбалар рўйхатига ўқувчиларингиз фойдаланиши учун ва ёки ўзингиз ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеолар киритилган.

1-модул: Маркетинг асослари

Ўқув қўлланма

Модул билан танишиш

Модулнинг мақсади – ўқувчиларни маркетинг асослари билан таништиришдан иборат. Бу маркетинг режасини ишлаб чиқиш ва натижаларга эришиш учун “маркетинг-микс” нинг жиҳатларидан фойдаланиш имкониятини беради. Ўқувчилар реал ҳаётдан олинган мисолларни, шунингдек ўзлари фойдаланадиган ва ўзларининг кундалик ҳаётларида тўқнаш келадиган товар ва хизматларни кўриб чиқадилар.

Ўқувчилар ўзларининг кундалик ҳаёт тажрибалари ёки иш тажрибалари асосида маркетинг соҳасидаги ўз билимлари билан ўртоқлашадилар. Бу бизнес учун бизнес (B2B), бизнес ва ҳукумат (B2G) ёки истеъмолчи учун бизнес (B2C) контекстида бўлиши мумкин.

Сиз ўқувчиларни турли ташкилотларнинг маркетингини ўрганишга рағбатлантиришингиз ва маркетинг вазифаси ташкилотдаги бошқа кўплаб вазифалар билан ўзаро алоқада бўлишини тушунтиришингиз лозим. Ўқувчилар турли ташкилотлар ўз бизнес мақсадларига эришиш учун маркетингни режалаштириш жараёнида “маркетинг-микс”ни қўллашларига ёрдам берадиган усулларни солиштиришлари лозим бўлади. Амалиёт нуқтаи назаридан ўқувчилар ташкилотнинг маркетингга оид умумий мақсадларига эришиши учун 7P “маркетинг-микс” дан фойдаланиладиган стратегик маркетинг режасини ишлаб чиқишлари ва баҳолашлари керак.

Ўқувчиларга ўз билимлари ва модулни тушунишларини намойиш этишлари, ташкилотларнинг ҳар хил турлари ҳамда уларнинг маркетингини тадқиқ қилишлари ва муҳокама қилишлари учун кўплаб имкониятлар тақдим этилиши лозим.

Мазкур модулни яқунлаш учун ўқувчилардан бир қатор тадқиқот материаллари, масалан интернет, журналлар ёки китоблардан фойдаланишлари талаб этилади.

Сиз мазкур модулдаги ўқитишнинг турли усулларидадан фойдаланишингиз мумкин, масалан:

- Баҳс-мунозара – маркетинг ва унинг турли ташкилотларда қўлланилиши, шунингдек унинг муҳимлигига доир синфдаги ҳамда кичик гуруҳлардаги муҳокама;
- мустақил ёки гуруҳли тарздаги тақдимотлар – “маркетинг-микс”ни ва ташкилотнинг маркетингга оид мақсадлари билан унинг алоқасини қамраб олувчи;
- кейс-стади – бизнесдаги маркетингни тасвирловчи;
- маркетингга тааллуқли бўлган ОАВ ва журнал мақолалари;
- маркетинг тўғрисидаги интернет-суҳбатлар.

Гуруҳда ишлаш ўқитишнинг мақбул шакли ҳисобланади, бироқ сиз ҳар бир ўқувчи ўзининг баҳоланиши учун мустақил тарзда етарлича далилларни тайёрлаганлигига ишонч ҳосил қилишингиз лозим.

Ўқитиш мақсадларига эришиш

А – ўқувчилар ўқитиш мақсади учун маркетингни тутган ўрни, ташкилотнинг бошқа бир-бирига яқин қўйи бўлимлари билан ўзаро боғлиқлигини, шунингдек, маркетингга оид функциянинг роллари ва вазибаларини тушунишлари муҳим ҳисобланади. Ўқувчилардан «маркетинг» атамаси нимани англатишини кичик гуруҳларда муҳокама қилишларини ва ўз ғояларини синф билан ўртоқлашишларини сўранг.

Ўқувчиларга турли ташкилотлар учун маркетинг тўғрисидаги ўз билимлари ва уларнинг фикрларига кўра маркетингнинг муваффақиятига нима сабаб бўлиши билан ўртоқлашишни таклиф этган ҳолда мавзунини очиб беринг. Интернетда қатор ташкилотлар учун маркетингни тасвирлаб берувчи кўплаб қисқа видеоклиплар мавжуд.

В – ўқитиш мақсади учун ўқувчиларнинг умумий бизнес-мақсадларга эришиш учун ташкилотлар томонидан 7Р “маркетинг-микс” элементларидан қандай фойдаланишларини тушунишлари муҳим ҳисобланади. Муҳокама қилиш ва ўзларининг шахсий мисолларини қўйишлари учун синфга самарали ҳамда самарасиз маркетингдан мисоллар келтиринг. Кейс-стади ва сценарийлардан гуруҳли муҳокамаларни ўтказиш учун фойдаланиш мумкин.

Маркетингни муҳокама қилиш учун маҳаллий ва республика доирасидаги корхоналардан спикерлар таклиф этилиши мумкин. Ўқувчиларга спикер келгунига қадар маркетинг мавзусига ва унинг ташкилотни муваффақиятга эришишига қандай ёрдам берганига доир саволларни тайёрлаш топшириғи берилиши мумкин. Бундай ёндашув ўқувчиларнинг фаолиятдан максимал натижа олишларини кафолатлаши лозим.

С – ўқитиш мақсади учун ўқувчиларнинг стратегик маркетинг режасини ишлаб чиқиш учун 7Р қўлланиладиган стратегик маркетинг режани ишлаб чиқа олишлари ва баҳолай олишларига ишонч ҳосил қилинг. Ўқувчиларни ташкилот учун маркетинг режанинг аҳамиятини мустақил тадқиқ қилиш ва ўз хулосаларини гуруҳ билан муҳокама қилишга ундаш лозим.

Ўқувчиларга бозорни режалаштиришнинг, яъни бозор сегментлашуви ва мақсадли бозор танловининг, шунингдек мониторинг ва назоратнинг восита ва усулларини тадқиқ қилиш имкониятини берадиган кейс-стадилар тақдим этилиши мумкин.

Баҳолашга доир қўлланма

Мазкур модул ўқитиладиган ташкилотда бир қатор мустақил топшириқлар орқали баҳоланади. Ҳар бир топшириқ ҳеч бўлмаганда битта топшириқни қамраб олиши лозим. Ўқитиш мақсадининг мезонлар бўйича топшириқ ва қуйи топшириқларга бўлинмасдан бутунича баҳоланиши муҳим ҳисобланади.

Барча ўқувчилар тасдиқланиши мумкин бўлган шахсий далилларини мустақил тарзда ишлаб чиқишлари лозим. Алоҳида тадқиқотлар билан бирга келадиган алоҳида ёзма ҳисоботлар далилларнинг асосий манбалари бўлиши мумкин.

Модулнинг бошланиши

Сизга модулни ўрганишнинг битта усули учун бошланғич нуқта берилади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

1-модул: Маркетинг асослари
Кириш Ўқувчиларни гуруҳли муҳокама орқали дарс билан таништиришдан бошланг. Бу модулни ўқитиш мақсадларининг баёни билан бирга келиши мумкин.
А - ўқитиш мақсади - Маркетингнинг ролини ва унинг ташкилотни бошқа функционал бўлимлари билан ўзаро алоқасини тушуниш
Ўқувчилардан «маркетинг» атамаси нимани англатишини сўрашдан бошланг. Ўқувчилардан «Маркетинг — бу ғояни аудиторияга етказиш» деган таъкидловни муҳокама қилишларини сўранг. Маркетингни ва фаолият юритувчи ташкилотларда ундан фойдаланишни муҳокама қилишни қўллаб-қувватлаш учун ўқувчиларнинг мисолларидан фойдаланинг. Маркетинг функциясининг вазифалари ва мажбуриятлари, унинг ташкилотга мослиги ва нима учун муҳимлиги тўғрисида гуруҳ тарзида муҳокама ўтказинг. Ўқувчилардан маркетинг ҳақидаги ўз фикрлари билан ўртоқлашиш учун кичик гуруҳларга бирлашишни, кейин эса синфга қайтишдан аввал маркетинг муваффақиятининг учта асосий сабабини ажратиб кўрсатишни сўранг.

В - ўқитиш мақсади - Умумий бизнес мақсадларга эришиш учун ташкилотлар томонидан маркетинг элементлари комплекси (7P) дан фойдаланиш йўллари тушуниш

7P мавзусини тақдим этиш учун ўқувчилардан ўзлари биладиган баъзи товар ва хизматларнинг номларини айтишни ҳамда уларнинг муваффақият ва муваффақиятсизликларини муҳокама қилишни сўранг. Булар ўқувчиларга таниш бўлган ҳар қандай товар ва хизматлар бўлиши мумкин.

Мазкур товар ва хизматлар учун 7P дан қандай фойдаланилишининг муҳокамасини ўтказинг, кейин эса ўқувчилардан маркетинг ўз ташкилотининг умумий самарадорлигига қандай кўмаклашиши тўғрисидаги мисолларни ёзишларини сўранг. Натижаларни синф билан муҳокама қилинг.

«Контент – қирол» каби маркетингга оид иқтибослардан фойдаланган ҳолда, ўқувчилар синфдаги муҳокамада иштирок этишлари мумкин. Microsoft ҳаммуассиси Билл Гейтс; «Мавзуни, хабарни ва етказиб беришни ўзлаштиринг». Apple ҳаммуассиси Стив Джобс; «Энг яхши маркетинг – бу маркетингга ўхшамаган маркетинг» Том Фишберн, Marketoologist агентлиги асосчиси ва бош директори, маркетинглог.

Ўқувчилардан ташкилотлар учун маркетингнинг умумий мақсадлари тўғрисидаги ғоялари билан ўртоқлашиш мақсадида жуфтликларда иш олиб боришларини ва синф билан ўртоқлашиш мумкин бўлган мисоллар рўйхатини тайёрлашларини сўранг.

Ташкилотларга маркетингнинг мазкур мақсадларига эришиш учун 7P нинг қандай ёрдам бериши мумкинлиги тўғрисида баҳс-мунозара ўтказинг.

Таклиф этилган спикерлар маркетинг ҳақида сўзлаб беришлари мумкин. Кейин ўқувчилар маркетинг ҳақида ва таклиф этилган спикернинг ташкилотида маркетинг қандай қилиб муваффақиятли ривожланганлиги ҳақида саволлар беришлари мумкин. Спикер жорий мисолларни келтириш орқали ўз ташкилотида маркетингнинг қандай иш олиб боришини тушунтириб бериши мумкин.

С - ўқитиш мақсади - Стратегик маркетинг режани ишлаб чиқиш ва баҳолашни билиш.

Ўқувчилар янги товар учун маркетинг режасини тузиш ва тақдим этиш учун кичик гуруҳларда иш олиб борадилар. Ҳар бир жамоа ва алоҳида ўқувчи мувофиқлаштириш, вакил қилиниши ва муддатларга амал қилинишини таъминлаш учун масъулиятга эга бўлиши лозим. Шунингдек, улар маркетинг режасининг тақдимотини яратиш ва бошқа жамоаларга тақдим этиш учун бир-бирлари билан ҳамкорлик қилиш усулларини топишлари лозим бўлади.

Ўқувчилар турли ташкилотлар 7Р “маркетинг-микс” элементларини қандай қўллашларини тадқиқ қилиш ва солиштириш учун айнан битта рақобат бозоридаги иккита мос келадиган ташкилотни танлаб олишлари лозим бўлади. Ўқувчилар қатор ташкилотларда тадқиқот ўтказиш ва ўз натижаларини синф билан ўртоқлашиш учун жуфтликларда ҳамда кичик гуруҳларда иш олиб боришлари мумкин.

Мазкур тадқиқотнинг муҳимлигини таъкидлаш лозим, чунки ҳар бир ўқувчи иккита ташкилотнинг мақсадларига эришиш йўлида “маркетинг-микс” қўлланилишининг сифатини аниқловчи баҳолаш учун мустақил маълумот ҳужжатини тақдим этиши лозим бўлади.

Ўқувчилар маркетингга оид мақсад ва вазифаларга эришиш учун маркетинг режасини тузишлари лозим. Ўқувчиларнинг баҳолашга доир шахсий режаларини ёзишга киришишларидан аввал, турли ташкилотларнинг маркетинг режаларини ўрганиш бўйича кўплаб имкониятларига эга бўлишлари муҳим ҳисобланади. Ўқувчилар томонидан аввал олиб борилган тадқиқотлар уларга вазиятни таҳлил қилишда ёрдам бериши ва таққослаш натижалари асосида ташкилот учун маркетингга оид мақсад ва вазифаларни шакллантириш имкониятини бериши лозим. Маркетинг режаси тактик ҳаракатлар режаси ҳамда ривожланишни мониторинг қилиш ва баҳолаш, шунингдек мақсад ва вазифаларга эришиш учун чора-тадбирлардан иборат бўлган 7Р “маркетинг-микс”нинг барча элементларини ўз ичига олиши лозим.

ВТЕС нинг бошқа модуллари ва малакаларга ҳаволалар

Ресурслар

Китоблар

Blythe, J, (2013) *Principles and Practice of Marketing*, Edition 3, Sage

Brassington, F. and Pettitt, S. (2012) *Essentials of Marketing*, 3rd Ed. Harlow: Pearson

Groucutt, J. and Hopkins, C. (2015) *Marketing (Business Briefings)*, London: Palgrave Macmillan

Jobber, D. and Chadwick, F. (2012) *Principles and Practice of Marketing*, 7th Ed. Maidenhead: McGraw-Hill

Kotler, P. and Armstrong, G. (2013) *Principles of Marketing*, London: Prentice Hall

Mcdonald, M. and Wilson, H. (2011) *Marketing Plans: How to Prepare Them, How to Use Them*, 7th Ed. Chichester: John Riley and Sons

Журналлар

Маркетинг ҳақидаги журналлар

<https://journals.sagepub.com/home/jmx>

Веб-сайтлар

www.ama.org

American Marketing Association

www.cim.co.uk

Chartered Institute of Marketing (UK)

www.ted.com/topics/marketing

TED – бу 100 дан ортиқ тиллардаги, одатда қисқа (18 дақиқадан кўп бўлмаган), маҳоратли нутқлар шаклидаги, турли мавзуларга доир ғояларни тарқатиш билан шуғулланадиган нодавлат ташкилот.

www.youtube.com/playlist?list=PLfwoaiiezPT-E9gcZ6AV1et2hcd92J21C

«Маркетинг бўйича ўқитувчи» ўқувчилар, ўқитувчилар ва маркетинг бўйича мутахассислар учун маркетинг ва менежментга доир бир қатор бепул видеороликларни таклиф этади.

www.pbs.org/wgbh/frontline/film/showspersuaders/

«Ишонтирувчи» — бу АҚШ ОАВ ва маданияти танқидчиси Дуглас Рушкофф маркетинг амалиётидаги ўзгаришлар маданият ва сиёсатга қандай таъсир этишини кўриб чиқадиган 90-дақиқали ҳужжатли фильм.

Pearson ташқи интернет-сайтларнинг мазмунига жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Ҳар бир веб-сайтни синфда фойдаланишдан аввал, URL-манзилнинг ҳамон аниқ, ишончли ва ўринли эканига ишонч ҳосил қилиш учун ўқитувчилар томонидан кўриб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни танланган саҳифаларда сақлашни ва ўқувчиларга мактаб / коллежнинг ички тармоғи орқали улардан фойдаланишга рухсат беришларини маслаҳат берамиз.

Иш схемаси

Модул	Маркетинг асослари
Ўқув соатлари	60
Дарслар сони	20
Дарслар давомийлиги	3 соат
Бошқа модулларга ҳаволалар	Мазкур модул спецификациядаги бошқа барча модуллар билан боғланган.

Ўқитиш учун калитлар			
ЁМТ	Ёзма мустақил топшириқ	ММ	Материални мустаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқитиш	ИТ	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	Маркетингнинг таърифи ва концепцияси	Ўқитувчи раҳбарлигидаги, шунингдек мустақил ўқув машқлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: модулнинг мазмунига ва модулни баҳолашга кириш. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: маркетингга кириш: маркетингнинг таърифи ва унинг кундалик ҳаётимизга таъсири: <ul style="list-style-type: none"> ○ Истеъмолчи учун бизнес (B2C) ва бизнес учун бизнес (B2B) контекстидаги маркетинг; ○ Ташкилий вазифа сифатидаги маркетинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги савол ва жавоблар: маркетингни умумий/дастлабки концепциялар сифатида билиш. • Гуруҳларда машқлар: маркетинг, реклама, тарғиб қилиш, мерчандайзинг, B2C ва B2B каби атамаларнинг маъносини аниқлаш. • Жуфликда бажариладиган машқлар: кейинги дарсда давом эттириладиган маркетинг вазифаларини тушунтириш ва муҳокама қилиш. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзиб борадилар ва таянч атамалар глоссарийсини тузишни бошлайдилар. • Якуний сессия: дарсда аниқланган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлаш. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимот учун қайдлар.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
2	Маркетингнинг роли	Ўқитувчи раҳбарлигидаги, шунингдек мустақил ўқув машқлари	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи. • 1- мустақил топшириқни бериш ва биринчи мустақил топшириқ ҳақида сўзлаб бериш: <ul style="list-style-type: none"> ○ маркетинг бўлимларининг тузилма ва фаолиятлари; ○ маркетингга оид вазифалар элементларнинг ташқи манбалари; ○ вазиятни таҳлил қилишдан, мақсадлар, стратегиялар ва баҳолашга қадар маркетинг жараёни. • Гуруҳларда машқлар: маркетингдаги турли вазифаларни тадқиқ қилиш ва муҳокама қилиш. • Жуфликда бажариладиган машқлар: маркетинг бўлимидаги ходимларнинг турли вазифа ва мажбуриятларини аниқлаш ва санаб ўтиш. • Мустақил бажариш учун машқ: маркетинг режа учун нима стандарт жараён ҳисобланишини тадқиқ қилиш? • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзиб борадилар. • Якуний сессия: дарсда аниқланган, ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлаш. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимот учун қайдлар.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
3	Маркетинг жараёни	Ўқитувчи раҳбарлигидаги, шунингдек мустақил ўқув машқлари	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: вазиятни таҳлил қилишдан, мақсадларни, стратегияларни ва баҳоланишни аниқлашга қадар маркетинг жараёни. • Гуруҳларда машқлар: ҳар бир гуруҳга маркетингга оид сценарий берилади. Ҳар бир гуруҳ маркетинг жараёнининг асосий талабларини ўрганиши ва натижаларни синфда муҳокама қилиши лозим. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: кейс-стадидан фойдаланган ҳолда, самарали маркетинг режалаштиришни қандай қўллаш тўғрисида баҳс-мунозара ўтказиш. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзиб борадилар. • Якуний сессия: дарсда аниқланган, ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлаш. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимот учун қайдлар.</p> <p>Маркетингга оид сценарийлар.</p> <p>Маркетингни самарали режалаштиришга доир кейс-стади.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
4	Маркетинг ва бошқа бизнес-вазифалар ўртасидаги ўзаро алоқа	Ўқитувчи раҳбарлигидаги, шунингдек мустақил ўқув машқлари	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: маркетинг ва бошқа бизнес-вазифалар ўртасидаги ўзаро алоқани ўрганиш: <ul style="list-style-type: none"> ○ маркетингнинг режаси, мақсадлари ва стратегияси ўртасидаги алоқа; ○ маркетинг стратегияси ва корпоратив стратегия ўртасидаги алоқани тушуниш. • Гуруҳларда машқлар: маркетинг ва мазкур бизнесдаги бошқа бўлимлар/вазифалар ўртасидаги алоқа ҳамда боғлиқликни ўрнатиш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: маркетинг стратегияси ва умумий ташкилий стратегия ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд? 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимот учун қайдлар.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>
5	Мустақил топшириқлар семинари	Ўқитувчи раҳбарлигида	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: биринчи мустақил топшириқда ривожланишни шарҳлаш ва зарурат бўлганда маълумотларга қайтадан хулоса яшаш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: мустақил топшириққа нисбатан талаблар. • Ўқитувчи бошчилигидаги савол ва жавоблар: гуруҳли ва яқка ҳолдаги умумий масалалар ҳамда муаммоларни ечиш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: топшириш формати ва академик талаблар шарҳи. 	

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
6	Мустақил топшириқлар семинари – самарали тақдимотларни яратиш ва ўтказиш	Ўқитувчи раҳбарлигидаги, шунингдек мустақил ўқув машқлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: маълумотларни профессионал даражада тақдим этиш ва етказиб бериш: <ul style="list-style-type: none"> ○ тақдимотнинг форматлари ва усуллари; ○ шахсий тақдимотга тайёрланиш. • Ўқитувчи бошчилигидаги савол ва жавоблар: тақдимотлар тўғрисидаги қисқа видеолар асосида тақдимотлар ҳақида ва уларнинг устунлик ва камчиликлари: <ul style="list-style-type: none"> ○ форматлар ва дастурий таъминотдан профессионал тарзда фойдаланиш – PowerPoint, флипчартлар, интерфаол ёзув тахталари ва бошқалар. • Гуруҳларда машқлар: аудиториянгизнинг шахси ва кўриниши. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзиб борадилар. • Якуний сессия: дарсда аниқланган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлаш. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимот учун қайдлар.</p> <p>Муваффақиятли тақдимотларни яратиш тўғрисидаги видео.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
7	Ўқувчилар тақдимоти – 1-мустақил топшириқ	Ўқитувчи раҳбарлигида	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчиларнинг 1-мустақил топшириқ учун тақдимоти: <ul style="list-style-type: none"> ○ иштирокчиларнинг мулоҳазалари ва муҳокама; ○ иштирокчиларнинг яқка тартибдаги тақдимотлари; ○ иштирокчиларнинг ижобий ва салбий тажрибадан иборат мулоҳазалари; ○ реал сценарийни яратиш ва тақдимотнинг охиридаги гуруҳли муҳокама учун гуруҳнинг қолган қисмига тақдимотда «аудитория» сифатида қатнашиш таклиф этилади. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзиб борадилар. • Якуний сессия: дарсда аниқланган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлаш. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимот учун қайдлар.</p> <p>Дастурий таъминот тақдимоти.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
8	“Маркетинг-микс”: шарҳ	Ўқитувчи раҳбарлигидаги, шунингдек мустақил ўқув машқлари	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи: <ul style="list-style-type: none"> ○ 2-мустақил топшириқни эълон қилиш ва уни асослаш. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: стратегик режалаштириш учун бошқарув воситаларидан фойдаланиш: <ul style="list-style-type: none"> ○ 7P “маркетинг-микс” нинг умумий режаси. • Ўқитувчи бошчилигидаги қисқача йўриқнома: 2-мустақил топшириқ. • Савол ва жавоб: “маркетинг-микс” нима? • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: бизнес стратегиясида қарорлар қабул қилиш учун мазкур воситадан фойдаланиш. • Гуруҳларда машқлар: 7P “маркетинг-микс” ни тадқиқ қилиш ва санаб ўтиш. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзиб борадилар. • Яқуний сессия: ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлаш. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимот учун қайдлар.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
9	“Маркетинг-микс” – товарлар	Ўқитувчи раҳбарлигидаги, шунингдек мустақил ўқув машқлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўзига хос хусусиятлар, бозор таснифномалари, янги товарларни ишлаб чиқиш: <ul style="list-style-type: none"> ○ товарнинг ҳаётий циклга кириши ва унинг мослашуви; ○ товар ва хизматларнинг брендинги- брендингнинг таърифи ва мақсади; ○ брендингнинг турлари – оилавий, яқка тартибдаги ва шахсий лейбл, ребрендинг; ○ харидорнинг хатти-ҳаракатига брендингнинг таъсири. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: товарнинг ҳаёт циклини тадқиқ қилиш. • Гуруҳларда машқлар: ўқувчилар кучли брендларни ва уларни нима кучли қилишини тадқиқ қиладилар. Ўқувчилар харидорларнинг хатти-ҳаракатига кучли брендларнинг таъсирини ҳам баҳолайдилар. Ўқувчилар бренднинг имижини ва мазкур товар учун логотипни яратадилар. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзиб борадилар. • Яқуний сессия: ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлаш. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимот учун қайдлар.</p> <p>Маҳсулотларга мисоллар.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
10	“Маркетинг-микс” – тарғиб қилиш	Ўқитувчи раҳбарлигидаги, шунингдек мустақил ўқув машқлари	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: тарғиб қилишнинг мақсадлари ва алоқанинг шакллари билан танишиш: <ul style="list-style-type: none"> ○ тарғиб қилиш ва алоқавий микс – реклама, бевосита маркетинг, товарларни жойлаштириш, ҳомийлик, сотувларни рағбатлантириш, кўргазмалар ва жамоатчилик билан алоқа; ○ тарғиб қилишнинг харидорни хатти-ҳаракатига бўлган таъсири. • Жуфликда бажариладиган машқлар: тарғиб қилишнинг сабабини ва унинг мақсадини тушунтириш ҳамда муҳокама қилиш. • Гуруҳдаги муҳокама: тарғиб қилишнинг турли усулларида фойдаланишни ва унинг фойдаланувчилар/харидорларга таъсирини муҳокама қилиш. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзиб борадилар. • Якуний сессия: ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлаш. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимот учун қайдлар.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
11	“Маркетинг-микс” – нарх	Ўқитувчи раҳбарлигидаги, шунингдек мустақил ўқув машқлари	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: нархнинг шаклланиши ва нархга таъсир этувчи омиллар: <ul style="list-style-type: none"> ○ нарх шаклланиши стратегияси (B2C) – бошланғич ёки базавий, кириб бориш нархи, нархларни солиштириш, ўзгарувчан, психологик, нуфузли, акция доирасидаги ва чегирмали нархлар; ○ профессионал хизматларнинг нархи; ○ танлов тендерлари; ○ халқаро нарх шаклланиши масалалари; ○ харидорнинг хатти-ҳаракатларига нархнинг таъсири. • Жуфликда бажариладиган машқлар: нима учун янги товарларни сотишни режалаштиришда нарх ташкил этилиш тактикасини ҳисобга олиш лозимлигини аниқлаш. • Гуруҳларда машқлар: нарх ташкил этилишининг турли тактикаларини ва уларнинг мазкур контекстдаги мақсадга мувофиқлигини тадқиқ қилиш. • Ўқувчиларнинг баҳс-мунозаралари: харидорнинг хатти-ҳаракатига нархнинг таъсири. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзиб борадилар. • Яқуний сессия: ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлаш. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимот учун қайдлар.</p> <p>Услуглар, шиорлар, тасвирлар ва брендларга доир викторина.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
12	“Маркетинг микс” – ўрин/жойлашув	Ўқитувчи раҳбарлигидаги, шунингдек мустақил ўқув машқлари	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: маркетинг контекстидаги таъриф: <ul style="list-style-type: none"> ○ канални бошқаришнинг турли босқичлари; ○ логистика ва таъминотлар занжирини бошқариш; ○ жисмоний ва онлайн-тарқатиш. • Мустақил бажариш учун машқ: “маркетинг-микс”даги ўрин/жойлашувни аниқлаш. • Гуруҳларда машқлар: тадқиқот ўтказиш ва каналларни бошқаришнинг турли босқичларида натижаларни тасвирлаш учун плакат яратиш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: логистика ва таъминот занжирини бошқаришнинг маркетингга таъсири. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзиб борадилар. • Якуний сессия: ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлаш. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Назариялар, рекламаларнинг амалий иловалари ва ИМС режаларининг мавзуга оид тадқиқотлари.</p> <p>Тақдимот учун қайдлар.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
13	“Маркетинг-микс” – инсонлар	Ўқитувчи раҳбарлигидаги, шунингдек мустақил ўқув машқлари	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: маркетингда инсонларнинг тутган ўринлари: <ul style="list-style-type: none"> ○ турли роллар – мижозлар билан ўзаро алоқа ва кўмаклашувчи ходимлар; ○ харидорларнинг ўзларини тутишларига инсонларнинг таъсирлари. • Мустақил бажариш учун машқ: маркетинг жараёнларидаги турли инсонларни эслаш ва таърифлаш. • Гуруҳларда машқлар: мазкур кейс-стади ёки сценарийда маркетингдаги турли вазифаларни аниқланг, масалан, мижозларга хизмат кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш вазифалари. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзиб бордилар. • Якуний сессия: ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлаш. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимот учун қайдлар.</p> <p>Кейс-стади/сценарийлар.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
14	“Маркетинг-микс” – жисмоний таъсир	Ўқитувчи раҳбарлигидаги, шунингдек мустақил ўқув машқлари	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: таъриф: <ul style="list-style-type: none"> ○ экстерьерлар ва интерьерлар ҳамда харидорларнинг хатти-ҳаракатларига уларнинг қандай таъсир этиши; ○ визуал омиллар – ранг, ёритиш, униформа (махсус бир хил кийим) ва тақдимот; ○ эшитиш омиллари (мусиқа/овоз); ○ сезиш омиллари (ҳид/таъм); ○ харидорнинг хатти-ҳаракатига моддий далилларнинг таъсири. • Амалий машқ: кўриш, эшитиш таъсирларини, ҳид ва таъм билишни (сезишга оид) шарҳлаш учун ўқувчиларга турли моддий муҳитларни кўрсатиш • Жуфтликдаги муҳокама: бу харидорларнинг хатти-ҳаракатларига қандай таъсир этади? • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзиб борадилар. • Якуний сессия: ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлаш. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимот учун қайдлар.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
15	“Маркетинг-микс” – жараён	Ўқитувчи раҳбарлигидаги, шунингдек мустақил ўқув машқлари	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: маркетинг контекстидаги таъриф: <ul style="list-style-type: none"> ○ жараёнларнинг турлари; ○ харидорнинг хатти-ҳаракатига жараённинг таъсири. • Қисқа мустақил машқ: ўқувчилар товарни етказиб беришга доир турли жараёнларни тадқиқ қиладилар ва санаб ўтадилар. • Гуруҳдаги муҳокама: муайян контекстдаги турли жараёнларнинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги. • Жуфтликдаги муҳокама: харидорнинг хатти-ҳаракатига жараён қандай таъсир этади? • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзиб борадилар. • Якуний сессия: ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлаш. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимот учун қайдлар.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
16	“Маркетинг-микс” интеграцияси	Ўқитувчи раҳбарлигидаги, шунингдек мустақил ўқув машқлари	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: мижозларнинг B2C ва B2B контекстларидаги эҳтиёжларини қондириш учун “маркетинг-микс”ни мослаштириш мумкинлигини тушуниш: <ul style="list-style-type: none"> ○ 4P дан 7P га ўтиш; ○ маркетинг, ахлоқ ва корпоратив ижтимоий масъулият (КИМ) ўртасидаги алоқа; ○ маркетингдаги долзарб ва юзага келиши мумкин бўлган ахлоқий муаммоларни ўрганиш; ○ ташқи омиллар ва 7P ўртасидаги алоқа. • Гуруҳдаги муҳокама: «эркин микс» ва унинг мослашувининг зарурияти. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: 4P дан 7P га қадар ўзгариш. • Гуруҳларда машқлар: маркетингга оид хулқ ва КИМ ўртасидаги алоқа. • Жуфтликлардаги уй вазифаси: мазкур контекстда 7P нинг қўлланилишини кўриб чиқиш. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзиб борадилар. • Яқуний сессия: ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлаш. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимот учун қайдлар.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
17	Маркетинг режани ишлаб чиқиш	Ўқитувчи раҳбарлигидаги, шунингдек мустақил ўқув машқлари	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: маркетинг режалари, маркетинг мақсадлари ва маркетинг стратегиялари ўртасидаги алоқа: <ul style="list-style-type: none"> ○ маркетингга оид режалаштириш (таҳлил қилиш, режалаштириш, жорий этиш ва назорат қилиш) жараёнининг ва маркетинг стратегиясининг шарҳи; ○ мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш; ○ маркетинг режаларини баҳолаш ва мониторинг қилиш. • Мустақил бажариш учун машқ: яхши маркетинг режанинг кадр-қимматиини тадқиқ қилиш ва гуруҳга сўзлаб бериш. • Гуруҳларда машқлар: маркетинг жараёнини тадқиқ қилиш ва стенд форматида тасвирлаш. • Жуфликда бажариладиган машқлар: самарали маркетинг режасида зарур бўлган асосий элементларни аниқлаш. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзиб борадилар. • Якуний сессия: ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлаш. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимот учун қайдлар.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
18	Маркетингга оид режалаштириш: - восита ва усуллар.	Ўқитувчи раҳбарлигидаги, шунингдек мустақил ўқув машқлари	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: бозорнинг сегментлашуви ва мақсадли бозор танлови: <ul style="list-style-type: none"> ○ вазиятга оид таҳлилнинг восита ва усуллари; ○ маркетингга оид стратегияни яратиш ва манбаларни тақсимлаш; ○ назорат ва мониторинг чора-тадбирлари. • Гуруҳларда машқлар: бозор сегментлашувини бизнесга қўллаш учун тегишли кейс-стадидан фойдаланиш. • Жуфликда бажариладиган машқлар: аввалги фаолият/муҳокама асосида мазкур бизнес учун мақсадли бозорни аниқланг. • Гуруҳдаги муҳокама: мониторинг стратегияси ва жараёнининг қандай амалга ошишини тушунтириш. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзиб борадилар. • Якуний сессия: ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлаш. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимот учун қайдлар.</p> <p>Маркетингнинг сегментлашувига доир кейс-стади.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
19	Мустақил топшириқлар семинари	Ўқитувчи раҳбарлигида	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: иккинчи мустақил топшириқ бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштиришларини кўздан кечириш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: мустақил топшириққа нисбатан талаблар. • Ўқитувчи бошчилигидаги савол ва жавоблар: гуруҳли ва якка тарздаги умумий масалалар ҳамда муаммоларни ҳал этиш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: топшириш форматини ва академик талабларини кўздан кечириш. 	
20	Мустақил топшириқни кўриб чиқишга доир семинар	Ўқитувчи раҳбарлигида	<ul style="list-style-type: none"> • Иккинчи мустақил топшириққа қадар алоҳида ўқувчиларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш. • Ўқувчининг алоҳида масалаларини ҳал этиш ва шубҳаларига барҳам бериш учун якка тартибдаги учрашувлар. 	

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Маркетинг асослари
Дарс рақами	1 (180 дақиқа)
Дарс мақсадлари	Ўқувчилар қуйидагиларни тушунишлари лозим: <ul style="list-style-type: none"> • Маркетинг концепциясини.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • PS1: ўқитувчи учун слайдлар ва эслатмалар.
Калитлар: MP: машқлар рўйхати; ФШ: форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи дарсни бошлайди – маркетинг таърифи ва тушунчаси. • Гуруҳдаги савол-жавоблар: маркетингни концепция сифатида умумий/дастлабки билиш.
Асосий машқлар (130 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: (PS1) маркетинг, реклама, тарғиб қилиш, мерчандайзинг, B2C, B2B ва B2G каби фойдаланиладиган атамаларни ўз ичига олувчи маркетингга кириш. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар маркетингнинг вазифаларини муҳокама қиладилар. • Кичик гуруҳдаги иш: «Жаҳон кафеси» (эътибор қаратилган норасмий муҳокама усули) – бизнинг кундалик ҳаётимизга маркетинг қандай таъсир этади. Тўрт-олти ўқувчилардан иборат гуруҳлар бирга ўтириб қоғоздаги жадвалда ёки флипчартда қайдларни ёзадилар. 20 дақиқадан сўнг «олиб боровчи»дан ташқари ҳамма бошқа стол атрофидагиларга бирлашадилар. Ҳар бир жадвал қуйидагиларни муҳокама қилиш учун контекстни ўз ичига олади: <ul style="list-style-type: none"> ○ B2C; ○ B2B; ○ B2G.
Якуний машқ (30 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Якуний сессия: <ul style="list-style-type: none"> ○ барча ўқувчилар «жаҳон кафеси» машқидаги ўз фикрларини гуруҳ билан ўртоқлашадилар; ○ ўқитувчи дарсда аниқланган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлайди.
Синфдан ташқари мустақил машқ	<ul style="list-style-type: none"> • Уйда бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзадилар ва таянч атамалар глоссарийси устида ишлашни бошлайдилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Маркетинг асослари
Дарс рақами	2 (180 дақиқа)
Дарс мақсадлари	Ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим: <ul style="list-style-type: none"> • маркетингнинг туган ўрнини тушуниш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • PS2: ўқитувчи учун слайдлар ва эслатмалар.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи «Маркетинг ва маркетинг бўлимларининг тутган ўрни» мавзусини бошлайди. • Гуруҳларда машқлар: ўқувчиларнинг мазкур рол ҳақида нимани ўйлаётганлари тўғрисида савол-жавоблар.
Асосий машқлар (120 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: (PS2) маркетингнинг тутган ўрни қуйидагиларни ўз ичига олади: <ul style="list-style-type: none"> ○ маркетинг бўлимларининг тузилма ва фаолияти; ○ маркетинг вазифалари ва маркетинг жараёнининг ташқи манба элементлари (вазиятга оид таҳлил, мақсадлар, стратегиялар ва баҳолашни аниқлаш). • Кейинчалик гуруҳда муҳокама қилиш орқали Жуфликда бажариладиган машқлар: маркетингдаги турли вазифаларни тадқиқ қилиш ва гуруҳ билан муҳокама қилиш учун ўқувчилар жуфтликларда иш олиб борадилар. • Жуфликда бажариладиган машқлар: маркетингнинг иккита йирик бўлимларидаги ходимларнинг турли вазифа ва мажбуриятларини аниқлаш ҳамда санаб ўтиш учун ўқувчилар жуфтликларда иш олиб борадилар. • Гуруҳдаги муҳокама: барча гуруҳлар ўз фикрларини гуруҳ билан ўртоқлашадилар.
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Якуний сессия: ўқитувчи дарсда аниқланган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлайди.
Синфдан ташқари мустақил машқ	<ul style="list-style-type: none"> • Уйда бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзадилар ва таянч атамалар глоссарийси устида ишлашда давом этадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Маркетинг асослари
Дарс рақами	3 (180 дақиқа)
Дарс мақсадлари	Ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим: <ul style="list-style-type: none"> • маркетинг жараёнини тушуниш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • PS3: ўқитувчи учун слайдлар ва эслатмалар. • Маркетингни режалаштириш тўғрисидаги кейс-стади.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи «Маркетинг жараёни» мавзусини бошлайди. • Гуруҳларда машқлар: ўқувчиларнинг мазкур жараён тўғрисидаги фикрлари ҳақида савол-жавоблар.
Асосий машқлар (140 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: (PS3) «Маркетинг жараёни». • Гуруҳдаги муҳокама: муҳокама қилиш учун ҳар бир гуруҳга маркетингга оид сценарий берилади. Улар маркетинг жараёнининг асосий жиҳатларини тадқиқ қилишлари ва ўз тақризларини бутун гуруҳга тақдим этишга тайёр бўлишлари лозим. • Гуруҳдаги муҳокама: натижаларни гуруҳ билан ўртоқлашиш. • Гуруҳдаги муҳокама: ўқитувчи ҳар бир гуруҳга бозорни режалаштиришга доир кейс-стадини тарқатади. Ҳар бир гуруҳ самарали маркетинг режалаштириш усулларини қўллашни муҳокама қилади ва синфдаги муҳокамага тайёрланади. • Гуруҳдаги муҳокама: натижаларни гуруҳ билан ўртоқлашиш.
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Якуний сессия: ўқитувчи дарсда аниқланган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлайди.
Синфдан ташқари мустақил машқ	<ul style="list-style-type: none"> • Уйда бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзадилар ва таянч атамалар глоссарийсини давом эттирадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Профессинал Диплом
Модул	1-модул: Маркетинг асослари
Дарс рақами	4 (180 дақиқа)
Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • маркетинг ва бошқа вазифалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушуниш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • модулнинг спецификацияси; • Ёзув тахтаси ва ручкалар; • PS4 ва PS5: ўқитувчи учун слайдлар ва эслатмалар.
Калитлар: MP: машқлар рўйхати; ФШ: форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи «Маркетинг ва бошқа вазифалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик» мавзусини бошлайди.
Асосий машқлар (140 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: (PS4) маркетинг ва бошқа бизнес-мақсадлар ўртасидаги боғлиқликни, маркетинг режаси, маркетинг мақсадлари ва маркетинг стратегияси ўртасидаги алоқани ўрганиш. • Гуруҳларда машқлар: Жаҳон кафеси: «Маркетинг ҳамда мазкур бизнесдаги бошқа бўлимлар/вазифалар ўртасида қандай алоқа ва боғлиқликлар мавжуд?» Тўрт-олти ўқувчидан иборат гуруҳлар стол атрофида ўтириб қоғоз жадвалда ёки флипчартда қайдларни ёзадилар. 20 дақиқадан сўнг «олиб борувчи»дан бошқа барча бошқа стол атрофидагилар билан бирлашадилар ва муҳокама давом этади. • Гуруҳдаги муҳокама: ўқувчилар гуруҳда «жаҳон кафеси» машқини бажариш жараёнида олган хулосаларини ўртоқлашадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: (PS5) маркетинг стратегияси ва корпоратив стратегия ўртасидаги алоқа. • Жуфтликлардаги муҳокама: маркетинг стратегияси ва умумий ташкилий стратегия ўртасида қандай алоқа мавжуд ва нима учун бу муҳим бўлиши мумкин? • Гуруҳдаги муҳокама: ўз натижаларини гуруҳ билан ўртоқлашиш.
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Якуний сессия: ўқитувчи дарсда аниқланган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлайди.
Синфдан ташқари муस्ताқил машқ	<ul style="list-style-type: none"> • Уйда бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзадилар ва таянч атамалар глоссарийсини давом эттирадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Маркетинг асослари
Дарс рақами	5 (180 дақиқа)
Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • маркетингнинг тутган ўрнини ва унинг ташкилотнинг бошқа функционал бўлинмалари билан ўзаро алоқасини тушуниш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи 1-баҳоловчи машқни беради ва семинар ўтказади.
Асосий машқлар (140 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: зарурат туғилганда ўтилган материални такрорлаш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: баҳолашга нисбатан талабларни кўздан кечириш. • Гуруҳдаги савол-жавоблар: умумий масалалар ва муаммоларни ҳал этиш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: академик талаблар ва топшириш форматини кўздан кечириш. • Гуруҳдаги муҳокама: ўқувчиларнинг саволлари ва шубҳалари. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз тақдимотларини тайёрлай бошлайдилар.
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Якуний сессия: ўқитувчи дарсда аниқланган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлайди.
Синфдан ташқари мустақил машқ	<ul style="list-style-type: none"> • Уйда бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз тақдимотларини тайёрлай бошлайдилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Професионал Диплом
Модул	1-модул: Маркетинг асослари
Дарс рақами	6 (180 дақиқа)
Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • самарали тақдимотларни яратиш ва ўтказиш жараёнини тушуниш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • 1-мустақил топшириқ қисқача йўриқнома. • яхши ва ёмон тақдимотлар ҳақидаги қисқа видео.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи семинарни тақдим этади.
Асосий машқлар (140 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи рақбарлигидаги семинар: маълумотни профессионал тарзда тақдим этиш ва етказиб бериш қўйидагиларни ўз ичига олади: <ul style="list-style-type: none"> ○ тақдимотнинг форматлари ва усуллари – форматлар ва дастурий таъминотдан профессионал тарзда фойдаланиш, масалан PowerPoint, флипчартлар, интерфаол ёзув тахталари; ○ шахсий аудиториясига тайёрланиш – устунлик ва камчиликларни аниқлаш учун турли тақдимотларнинг қисқа видеороликларини кўриб чиқиш. • Гуруҳдаги муҳокама: баҳоланадиган тақдимот учун аудиторияни ўрганиш ва ихтисослаштириш. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар баҳоловчи машққа тайёрланишда давом этадилар.
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Якуний сессия: ўқитувчи дарсда аниқланган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлайди.
Синфдан ташқари мустақил машқ	<ul style="list-style-type: none"> • Уйда бажариш учун машқ: ўқувчилар баҳоловчи машққа тайёрланишда давом этадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Маркетинг асослари
Дарс рақами	7 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • маркетингнинг тутган ўрнини ва унинг ташкилотнинг бошқа функционал бўлинмалари билан ўзаро алоқасини тушуниш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар.
Калитлар: MP: машқлар рўйхати; ФШ: форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи ўқувчиларни баҳолаш учун тақдимотларни кўриб чиқади ва тақдим этади.
Асосий машқлар (140 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларнинг тақдимоти: ўқувчилар реал сценарийни яратиш учун «аудитория» сифатида қатнашаётган гуруҳнинг қолган қисми учун ўзларининг 1- мустақил топшириқдаги индивидуал тақдимотларини ўтказадилар. • Гуруҳдаги муҳокама: аудиториянинг тақдимотнинг якунига нисбатан муносабати, мазмунга доир фикр-мулоҳазалар, ижобий ва салбий томонлар.
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Якуний сессия: ўқитувчи тақдимотларда кўрсатилган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлайди.
Синфдан ташқари мустақил машқ	<ul style="list-style-type: none"> • Уйда бажариш учун машқ: ўқувчилар тақдимотлар тўғрисидаги ўзларининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб борадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Маркетинг асослари
Дарс рақами	8 (180 дақиқа)
Дарс мақсадлари	Ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим: <ul style="list-style-type: none"> • “маркетинг-микс”нинг жиҳатларини тушуниш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • PS6: ўқитувчи учун слайдлар ва эслатмалар.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи «7P» мавзусини бошлайди.
Асосий машқлар (140 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: (PS6) “маркетинг-микс” 7P қуйидагиларни ўз ичига олади: <ul style="list-style-type: none"> ○ стратегик режалаштириш учун бошқарув воситаларидан фойдаланиш; ○ “маркетинг-микс” 7P нинг умумий режаси. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: савол ва жавоб машқи: «Маркетинг-микс нима?» • Гуруҳдаги муҳокама: бизнес стратегиясига доир қарорларни қабул қилиш учун мазкур маркетинг воситасидан қандай фойдаланиш мумкин? • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар “маркетинг-микс” нинг 7 та жиҳатини санаб ўтадилар ва тадқиқ қиладилар. Ўқувчилар ўзларининг танловларига кўра уларни битта товарга ва битта хизматга нисбатан қўллашга уриниб кўрадилар. • Гуруҳдаги муҳокама: 7P жуфтликлардаги тадқиқотларнинг натижалари билан ўртоқлашиш.
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Якуний сессия: ўқитувчи тақдимотларда кўрсатилган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлайди.
Синфдан ташқари мустақил машқ	<ul style="list-style-type: none"> • Уйда бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзадилар ва таянч атамалар глоссарийсини давом эттирадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Маркетинг асослари
Дарс рақами	9 (180 дақиқа)
Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • товарни “маркетинг-микс” нинг 7 та жиҳатларидан бири сифатида тушуниш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • PS7: ўқитувчи учун слайдлар ва эслатмалар.
Калитлар: MP: машқлар рўйхати; ФШ: форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарсни мустаҳкамлаш.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: (PS7) қуйидагиларни ўз ичига олади: <ul style="list-style-type: none"> ○ товарнинг хусусиятлари, бозорга оид таснифлар, янги товарнинг ишлаб чиқилиши; ○ товарнинг ҳаётий циклга кириши ва унинг мослашуви; ○ товар ва хизматларнинг брендинги, брендингнинг таърифи ва мақсади; ○ брендинг турлари: оилавий, якка тартибдаги ва шахсий лейбл, ребрендинг; ○ харидорнинг хатти-ҳаракатига брендингнинг таъсири. • Гуруҳдаги муҳокама: ўқувчилар товарнинг ҳаёт циклини ўрганадилар ва ҳаёт циклининг ҳар бир босқичидаги моддий ва номоддий товар ва хизматларнинг мисолларини синф билан ўртоқлашадилар. • Жуфликда бажариладиган машқлар: кучли брендлар ва улар қандай қилиб кучли бўлганлигини ўрганиш учун ўқувчилар жуфтликларда иш олиб борадилар. • Гуруҳдаги муҳокама: ўқувчилар ўзларининг кучли брендлар ҳақидаги хулосалари билан ўртоқлашадилар ва харидорларнинг ўзларини тутишларига кучли брендларнинг таъсирини муҳокама қиладилар. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар брендинг имижини ва муайян товар ёки хизмат логотипини яратадилар. • Гуруҳдаги муҳокама: ўқувчилар ўзларининг бренд ва логотипларини синф билан ўртоқлашадилар ҳамда уларга оид фикр-мулоҳазаларни муҳокама қиладилар.
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Якуний сессия: ўқитувчи дарсда аниқланган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлайди.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Синфдан ташқари мустақил машқ	<ul style="list-style-type: none"><li data-bbox="552 315 1367 432">• Уйда бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзадилар ва таянч атамалар глоссарийсини давом эттирадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Маркетинг асослари
Дарс рақами	10 (180 дақиқа)
Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • тарғиб қилишни “маркетинг-микс”нинг 7 та жиҳатларидан бири сифатида тушуниш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • PS8: ўқитувчи учун слайдлар ва эслатмалар.
Калитлар: MP: машқлар рўйхати; ФШ: форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> ● Кириш: аввалги дарсни мустаҳкамлаш.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> ● Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: (PS8) қуйидагиларни ўз ичига олади: <ul style="list-style-type: none"> ○ тарғиб қилишнинг мақсадлари ва алоқа шакллари; ○ жадаллаштириш ёки алоқавий микс – реклама, бевосита маркетинг, товарларни жойлаштириш, ҳомийлик, сотувларни рағбатлантириш, ижтимоий тармоқларни қамраб олиш, кўргазмалар ва жамоатчилик билан алоқалар (PR); ○ харидорнинг хатти-ҳаракатига тарғиб қилишнинг таъсири. ● Жуфликда бажариладиган машқлар: тарғиб қилишнинг сабабини ва унинг мақсадини муҳокама қилиш ҳамда тушунтириш учун ўқувчилар жуфтликларда иш олиб борадилар. ● Гуруҳдаги муҳокама: ўқувчилар ўз хулосаларини гуруҳ билан ўртоқлашадилар. ● Гуруҳларда машқлар: ўқувчилар тарғиб қилишнинг турли усулларнинг, анъанавий босма рекламадан тортиб, ижтимоий тармоқлардаги сўнгги ғояларга қадар мисолларини ўрганадилар ва уларнинг фойдаланувчилар/харидорларга таъсирини муҳокама қиладилар. ● Гуруҳдаги муҳокама: ўқувчилар ўз хулосаларини гуруҳ билан ўртоқлашадилар.
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> ● Якуний сессия: ўқитувчи дарсда аниқланган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлайди.
Синфдан ташқари мустақил машқ	<ul style="list-style-type: none"> ● Уйда бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзадилар ва таянч атамалар глоссарийсини давом эттирадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Маркетинг асослари
Дарс рақами	11 (180 дақиқа)
Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • нархни “маркетинг-микс”нинг 7 та жиҳатларидан бири сифатида тушуниш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • PS9: ўқитувчи учун слайдлар ва эслатмалар.
Калитлар: MP : машқлар рўйхати; ФШ : форма шаблони; ТС : тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> ● Кириш: аввалги дарсни мустаҳкамлаш.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> ● Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: (PS9) қуйидагиларни ўз ичига олади: <ul style="list-style-type: none"> ○ нархнинг шаклланиши ва нархга таъсир этадиган омиллар; ○ нарх шаклланиш стратегияси (B2C) – бошланғич ёки базавий, кириб бориш нархи, нархларни солиштириш, ўзгарувчан, психологик, нуфузли, акция доирасидаги ва чегирмали нархлар; ○ профессионал хизматларнинг нархи; ○ танлов савдолари; ○ халқаро нархнинг шаклланиши масалалари; ○ харидорнинг хатти-ҳаракатига нархнинг таъсири. ● Жуфликда бажариладиган машқлар: нима учун янги товарларни сотишни режалаштиришда нарх шаклланиши тактикасини ҳисобга олиш лозимлигини аниқлаш учун ўқувчилар жуфтликларда иш олиб борадилар. ● Ўқувчиларнинг баҳс-мунозаралари: харидорнинг хатти-ҳаракатига нархнинг таъсири. ● Гуруҳдаги муҳокама: ўқувчилар ўз хулосаларини гуруҳ билан ўртоқлашадилар. ● Гуруҳларда машқлар: ўқувчилар нарх шаклланишининг турли тактикаларига мисолларни тадқиқ қиладилар, уларнинг ўринлилигини баҳолайдилар ва хулосаларни синфга тақдим этишга тайёрланадилар. ● Гуруҳларда машқлар: ҳар бир гуруҳ ўз хулосасини синфга тақдим этади.
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> ● Якуний сессия: ўқитувчи тақдимотларда кўрсатилган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлайди.
Синфдан ташқари мустақил машқ	<ul style="list-style-type: none"> ● Уйда бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзадилар ва таянч атамалар глоссарийсини давом эттирадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Маркетинг асослари
Дарс рақами	12 (180 дақиқа)
Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • ўрин/жойлаштиришни “маркетинг-микс”нинг 7 та жиҳатларидан бири сифатида қабул қилиш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • PS10: ўқитувчи учун слайдлар ва эслатмалар.
Калитлар: MP: машқлар рўйхати; ФШ: форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарсни мустаҳкамлаш.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: (PS10) қуйидагиларни ўз ичига олади: <ul style="list-style-type: none"> ○ маркетинг контекстидаги жойнинг таърифи; ○ канални бошқаришнинг турли босқичлари; ○ логистика ва таъминот занжирларини бошқариш; ○ моддий ва онлайн-тарқатиш. • Гуруҳларда машқлар: “маркетинг-микс”даги ўрин/жойлаштиришни тадқиқ қилиш ва муҳокама қилиш, уларнинг одатий амалиётлар ва онлайн-сотувлар/электрон савдога қўлланилиши мумкинлигини тушуниш учун ўқувчилар биргаликда иш олиб борадилар. Ўқувчилар товарларни мижозлар гуруҳига сотиш/намоиш этиш имкониятини кўриб чиқадилар, масалан савдо пештахтасини онлайн-сотувлар билан солиштириш. • Гуруҳдаги муҳокама: ўқувчилар ўз хулосаларини гуруҳ билан ўртоқлашадилар. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар канални бошқариш босқичларини кўрсатиш учун плакатни чизадилар ва тадқиқ қиладилар. • Гуруҳдаги муҳокама: ўқувчилар логистика ва таъминот занжирини бошқаришнинг маркетингга таъсирини муҳокама қиладилар.
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Якуний сессия: ўқитувчи тақдимотларда кўрсатилган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлайди.
Синфдан ташқари мустақил машқ	<ul style="list-style-type: none"> • Уйда бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзадилар ва таянч атамалар глоссарийсини давом эттирадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Маркетинг асослари
Дарс рақами	13 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • инсонларни “маркетинг-микс”нинг 7 та жиҳатларидан бири сифатида тушуниш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • PS11: ўқитувчи учун слайдлар ва эслатмалар. • маркетингдаги инсонлар тўғрисидаги кейс-стади.
--------------------------	---

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФС:** форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарсни мустаҳкамлаш.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: (PS11) қуйидагиларни ўз ичига олади: <ul style="list-style-type: none"> ○ инсонларнинг маркетингдаги тутган ўринлари; ○ турли роллар – мижозлар билан ўзаро алоқа ва қўмаклашувчи ходимлар; ○ харидорларнинг ўзларини тутишларига инсонларнинг таъсирлари. • Гуруҳдаги муҳокама: кўпгина мижозлар товар ёки хизматни уни тақдим этаётган ходимдан ажратиб ола билмайдилар. Инсонлар мижозларнинг қониқишларига қандай таъсир (ижобий ёки салбий) этишлари мумкин? • Жуфликда бажариладиган машқлар: турли инсонларнинг маркетинг жараёнларидаги тутган ўрнларини тадқиқ қилиш ва муҳокама қилиш учун ўқувчилар биргаликда иш олиб борадилар. • Мустақил иш: ўқувчилар сотувдан кейинги юқоридан бўладиган қўллаб-қувватлаш ва маслаҳатлар таклифнинг қадр-қимматини қандай ошириши ва ташкилотга рақобат борасида устунлик бериши мумкинлигини ўрганадилар. • Гуруҳдаги муҳокама: ўқувчилар ўзларининг кичик гуруҳлардаги ва мустақил ишдан олган хулосаларини гуруҳ билан ўртоқлашадилар. • Гуруҳларда машқлар: ўқувчилар маркетингдаги турли ролларни, масалан мижозларга хизмат кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш функцияларини аниқлаш учун кейс-стадини кўриб чиқадилар. • Гуруҳдаги муҳокама: ўқувчилар ўзларининг мини-гуруҳда олган хулосаларини бутун гуруҳ билан ўртоқлашадилар.
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Якуний сессия: ўқитувчи дарсда аниқланган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлайди.
Синфдан ташқари мустақил машқ	<ul style="list-style-type: none"> • Уйда бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзадилар ва таянч атамалар глоссарийсини давом эттирадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Маркетинг асослари
Дарс рақами	14 (180 дақиқа)
Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • моддий таъсирни “маркетинг-микс”нинг 7 та жиҳатларидан бири сифатида тушуниш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • PS12: ўқитувчи учун слайдлар ва эслатмалар. • турли моддий муҳитларнинг мисоллари.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарсни мустаҳкамлаш.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: (PS12) қуйидагиларни ўз ичига олади: <ul style="list-style-type: none"> ○ моддий таъсирнинг таърифи; ○ экстерьер ва интерьер, харидорларнинг ўзларини тутишларига уларнинг таъсири; ○ визуал омиллар, масалан ранг, ёритиш, униформа ва тақдимот; ○ эшитиш омиллари (музиқа/овоз); ○ сезиш омиллари (ҳид/таъм); ○ харидорнинг хатти-ҳаракатига моддий муҳитнинг таъсири. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқитувчи қўриш, эшитиш таъсирларини, ҳид ва таъм билишни (сезишга оид) шарҳлаш мақсадида ўқувчиларга турли моддий муҳитларнинг мисолларини келтиради. • Гуруҳдаги муҳокама: ташкилот томонидан тақдим этилган моддий таъсир мижоз назарда тутган нарсани тасдиқлаши лозим. Болалар учун кўнгилочар тадбирларни уюштириш билан шуғулланадиган компания эркинроқ ёндашувдан фойдаланаётган бир пайтда, нима учун молиявий хизматлар кўринишидаги товар расмий шароитда тақдим этилиши керак? Ўқувчилар моддий элементларнинг ўзларининг товар ва хизматларни қандай қабул қилишларига таъсирини муҳокама қиладилар. • Жуфликда бажариладиган машқлар: харидорларнинг ўзларини тутишларига моддий муҳитнинг таъсирини тадқиқ қилиш ва муҳокама қилиш учун ўқувчилар биргаликда иш олиб борадилар. • Гуруҳдаги муҳокама: ўқувчилар ўз хулосаларини гуруҳ билан ўртоқлашадилар.
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Якуний сессия: ўқитувчи дарсда аниқланган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлайди.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Синфдан ташқари мустақил машқ	<ul style="list-style-type: none"><li data-bbox="555 315 1219 432">• Уйда бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзадилар ва таянч атамалар глоссарийсини давом эттирадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Маркетинг асослари
Дарс рақами	15 (180 дақиқа)
Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> жараёни “маркетинг-микс”нинг 7 та жиҳатларидан бири сифатида тушуниш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> модулнинг спецификацияси. Ёзув тахтаси ва ручкалар. PS13: ўқитувчи учун слайдлар ва эслатмалар.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> ● Кириш: аввалги дарсни мустаҳкамлаш.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> ● Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: (PS13) қуйидагиларни ўз ичига олади: <ul style="list-style-type: none"> ○ маркетинг контекстидаги жараённинг таърифи ○ жараёнларнинг турлари ○ харидорнинг хатти-ҳаракатига жараённинг таъсири. ○ Гуруҳларда машқлар: ўқувчилар товар ва хизматларни тақдим этишдаги турли жараёнларни санаб ўтадилар ва тадқиқ қиладилар. ○ Гуруҳдаги муҳокама: ўқувчилар ўқитувчи томонидан берилган муайян контекстдаги турли жараёнларнинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини муҳокама қиладилар. ○ Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар харидорнинг хатти-ҳаракатига жараённинг қандай таъсир этишини ўрганадилар. Ўқувчилар қуйидагиларни аниқлаш учун ташкилотни ўзларининг танловларига кўра ўрганадилар: <ul style="list-style-type: none"> ○ мижозлар кутиб қолишлари керакми? ○ улар етарли даражада хабардор этилганларми? ● керакли қурилмалардаги сайтлар етарли даражада тезкорми ва улардан фойдаланиш имкони мавжудми? ● инсонлар ёрдам бераяптиларми? ● хизмат кўрсатиш самарали тарзда амалга оширилаяптими? ● ходимлар нархни шаклланишига мос усул билан ўзаро ҳамкорлик қилаяптиларми? ● Гуруҳдаги муҳокама: ўқувчилар ўз хулосаларини гуруҳ билан ўртоқлашадилар.
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> ● Якуний сессия: ўқитувчи дарсда аниқланган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлайди.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Синфдан ташқари мустақил машқ	<ul style="list-style-type: none"> • Уйда бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзадилар ва таянч атамалар глоссарийсини давом эттирадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Профессиял Диплом
Модул	1-модул: Маркетинг асослари
Дарс рақами	16 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • “маркетинг-микс”нинг бирлашувини тушуниш.
-----------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • PS14: ўқитувчи учун слайдлар ва эслатмалар.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарсни мустаҳкамлаш.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: (PS14) ўз ичига олади: <ul style="list-style-type: none"> ○ “маркетинг-микс” мижозларнинг B2C, B2B ва B2G контекстидаги эҳтиёжларига қандай мослашиши мумкин; ○ 4P дан 7P га ўтиш; ○ маркетинг, ахлоқ ва корпоратив ижтимоий масъулият (КИМ) ўртасидаги алоқа; ○ маркетингдаги долзарб ва эҳтимолий ахлоқий муаммолар; ○ ташқи омиллар ва 7P ўртасидаги алоқа. • Гуруҳдаги муҳокама: маркетинг мослашувчан ёки белгиланган бўлиши лозимми? Ўқувчилар «мослашувчан микс»ни ва нима учун ташкилот уни мослаштириши кераклигини муҳокама қиладилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчилар билан муҳокама қилиш учун саволлар: <ul style="list-style-type: none"> ○ қандай ташкилотлар/брендлар сизга ёқади? Нима учун? ○ ёмон томондан номи чиққан ташкилотни биласизми? Нима учун у ёмон нуфузга эга? ○ сиз ахлоқий сабабларга кўра сотиб олмайдиган товарлар мавжудми? Агар бор бўлса, улар қандай товарлар? • Гуруҳларда машқлар: ўқувчилар ўзининг КИМи билан таниш бўлган икки ёки учта глобал корхонани тадқиқ қиладилар ва маркетингга оид ахлоқ ҳамда КИМ ўртасидаги алоқани муҳокама қиладилар. • Гуруҳдаги муҳокама: ўқувчилар ўз хулосаларини гуруҳ билан ўртоқлашадилар. • Жуфликда бажариладиган машқлар: берилган контекстда 7P нинг қўлланилишини тадқиқ қилиш ва гуруҳ учун ҳисобот тайёрлаш мақсадида ўқувчилар биргаликда иш олиб борадилар. • Гуруҳдаги муҳокама: ўқувчилар ўз хулосаларини гуруҳ билан ўртоқлашадилар.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Якуний сессия: ўқитувчи дарсда аниқланган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлайди.
Синфдан ташқари мустақил машқ	<ul style="list-style-type: none"> • Уйда бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзадилар ва таянч атамалар глоссарийсини давом эттирадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Маркетинг асослари
Дарс рақами	17 (180 дақиқа)
Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • маркетингга оид режаларнинг қандай ишлаб чиқилишини тушуниш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • модулнинг спецификацияси; • Ёзув тахтаси ва ручкалар; • PS15: ўқитувчи учун слайдлар ва эслатмалар.
Калитлар: MP: машқлар рўйхати; ФШ: форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: маркетинг режаларининг янги мавзусига кириш.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: (PS15) қуйидагиларни ўз ичига олади: <ul style="list-style-type: none"> ○ маркетинг режалари, маркетинг мақсадлари ва маркетинг стратегиялари ўртасидаги алоқа; ○ маркетингни режалаштириш жараёни (таҳлил қилиш, режалаштириш, жорий этиш, назорат қилиш) ва маркетинг стратегияси шарҳи; ○ мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш; ○ маркетинг режаларини баҳолаш ва мониторинг қилиш. • Жуфликда бажариладиган машқлар: «Яхши маркетинг режанинг қиймати қандай?». Ўқувчилар жуфтликларда ўрганадилар, муҳокама қиладилар ва хулосаларини гуруҳга тақдим этадилар. • Гуруҳларда машқлар: ўқувчилар маркетинг жараёнини тадқиқ қиладилар ва стенд форматида тасвирлайдилар. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар самарали маркетинг режасида зарур бўлган асосий жиҳатларни идентификация қиладилар ва ўз хулосаларини гуруҳга тақдим этадилар. • Гуруҳдаги муҳокама: маркетинг режа қанчалик муҳим?
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Якуний сессия: ўқитувчи дарсда аниқланган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлайди.
Синфдан ташқари муस्ताқил машқ	<ul style="list-style-type: none"> • Уйда бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзадилар ва таянч атамалар глоссарийсини давом эттирадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Маркетинг асослари
Дарс рақами	18 (180 дақиқа)
Дарс мақсадлари	Ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим: <ul style="list-style-type: none"> • маркетингнинг восита ва усулларини тушуниш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • модулнинг спецификацияси; • Ёзув тахтаси ва ручкалар; • PS16: ўқитувчи учун слайдлар ва эслатмалар; • AS1: бозор сегментлашувини аниқлаш учун саволлар; • кейс-стади материаллари.
Калитлар: MP: машқлар рўйхати; ФШ: форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: маркетинг режаларнинг янги мавзусига кириш.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: (PS16) қуйидагиларни ўз ичига олади: <ul style="list-style-type: none"> ○ бозор сегментлашуви ва мақсадли бозор танлови; ○ вазиятга оид таҳлилнинг восита ва усуллари; ○ маркетингга оид стратегияни яратиш ва манбаларни тақсимлаш; ○ назорат ва мониторинг чора-тадбирлари. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: саволлар ва жавоблар сессияси: <ul style="list-style-type: none"> ○ бозор сегменти деганда нимани назарда тутилади? ○ бозор сегментлашувининг турли усуллари қандай? • Жуфликда бажариладиган машқлар: (TS1) ўқувчилар топшириқлар варағи бўйича саволларни бериш орқали ўз шерикларини билиб оладилар: <ul style="list-style-type: none"> ○ Оилангиз асосий харидларни қаерда амалга оширади? ○ Оилангиз бир ойда неча бор ноозиқ-овқат товарларини харид қилади? ○ Оилангизнинг ноозиқ-овқат товарларни харид қиладиган бешта энг севимли дўконлари қайсилар? ○ Оилангизда интернетга уланиш имконияти мавжудми? ○ Оилангиз қаерда яшайди? ○ Сиз қандай турдаги турар жойда яшайсиз? ○ Оилангиз ўз шахсий уйига эгами? ○ Оилангиздаги ёш тоифалари қандай? ○ Сиз ёки оилангиз спорт ва дам олишнинг қандай турлари билан шуғулланасизлар? ○ Мазкур маълумот уларга ўз шериклари ҳақида нимани англатади? Қандай ташкилотлар уларни ўз товар ва хизматларига йўналтирадилар?

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
	<ul style="list-style-type: none"> • Гуруҳларда машқлар: ўқувчилар кейс-стадиларининг тегишли материалларидан фойдаланиб, бозор сегментлашувини ташкилотга нисбатан қўллайдилар. • Жуфликда бажариладиган машқлар: аввалги машқ/муҳокамадан фойдаланиб мазкур бизнес учун мўлжалланган бозорни аниқланг. • Гуруҳдаги муҳокама: бозорнинг сегментлашуви қанчалик муҳим?
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Якуний сессия: ўқитувчи дарсда аниқланган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлайди.
Синфдан ташқари мустақил машқ	<ul style="list-style-type: none"> • Уйда бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзадилар ва таянч атамалар глоссарийсини давом эттирадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Професионал Диплом
Модул	1-модул: Маркетинг асослари
Дарс рақами	19 (180 дақиқа)
Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • ташкилотнинг умумий бизнес-мақсадларга эришиш учун “маркетинг-микс” (7P) элементларидан қандай фойдаланишини тушуниш ва стратегик маркетинг режасини ишлаб чиқиш ҳамда баҳолашни билиш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • модулнинг спецификацияси; • Ёзув тахтаси ва ручкалар; • 2- мустақил топшириқ қисқача йўриқнома.
Калитлар: MP: машқлар рўйхати; ФШ: форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: мустақил топшириқ семинари мавзусига кириш.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи раҳбарлигидаги семинар: <ul style="list-style-type: none"> ○ 2- мустақил топшириқ қисқача йўриқномага доир тарқатма материал; ○ баҳолашга нисбатан талабларнинг қисқа шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: <ul style="list-style-type: none"> ○ мустақил топшириқ қисқача йўриқнома ва топшириқларга тааллуқли, умумий масалалар ва муаммоларни ҳал этиш учун саволлар ва жавобларнинг очиқ сессияси; ○ академик талаблар ва топшириш форматининг шарҳи. • Гуруҳдаги муҳокама: ўқувчилар саволларни ва мавҳум жиҳатларни муҳокама қиладилар. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар баҳоловчи машқни ёзишни бошлайдилар.
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Якуний сессия: ўқитувчи дарсда аниқланган ўқитишнинг асосий жиҳатларини тасдиқлайди.
Синфдан ташқари мустақил машқ	<ul style="list-style-type: none"> • Уйда бажариш учун машқ: ўқувчилар баҳоловчи машқни ёзишда давом этадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Маркетинг асослари
Дарс рақами	20 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • ташкилотнинг умумий бизнес-мақсадларга эришиш учун “маркетинг-микс” (7P) элементларидан қандай фойдаланишини тушуниш ва стратегик маркетинг режасини ишлаб чиқиш ҳамда баҳолашни билиш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • модулнинг спецификацияси; • Ёзув тахтаси ва ручкалар; • 2- мустақил топшириқ қисқача йўриқнома.
--------------------------	---

Калитлар: **MP:** машқлар рўйхати; **ФШ:** форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (5 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: мустақил топшириқ семинари мавзусига кириш.
Асосий машқлар (170 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар баҳоловчи машқни ёзишда давом этадилар ва ўз муваффақиятларини ўқитувчи билан муҳокама қиладилар.
Якуний машқ (5 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Якуний сессия: ўқитувчи баҳоловчи машқни топширишнинг якуний муддатини тасдиқлайди.
Синфдан ташқари мустақил машқ	<ul style="list-style-type: none"> • Уйда бажариш учун машқ: ўқувчилар топшириш учун баҳоловчи машқни яқунлайдилар.

Мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Маркетинг ва сотувлар соҳаси бўйича Професионал Диплом
Модул	1-модул: Маркетинг асослари
Дарс мақсад(лар)и	<p>A Маркетингнинг ролини ва унинг ташкилотни бошқа функционал бўлимлари билан ўзаро алоқасини тушуниш.</p> <p>B Умумий бизнес мақсадларга эришиш учун ташкилотлар томонидан маркетинг элементлари комплекси (7P) дан фойдаланиш йўлларини тушуниш.</p> <p>C Стратегик маркетинг режани ишлаб чиқиш ва баҳолашни билиш.</p>
Мустақил топшириқнинг номи	Маркетинг концепциялари ва ички муносабатлар, маркетинг стратегияси ва қўлланилиши
Имтиҳон олувчи	
Чиқарилиш санаси	
Топшириш санаси	
Касбий сценарий ва контекст	<p>Сиз ташкилотдаги маркетинг бўлими раҳбари лавозимига даъвогарлик қилмоқдасиз [сиз кўрсатилган ташкилотдан ёки ўзингиз танлаган ташкилотдан, агар зарур бўлса, ўз иш жойингиздан фойдаланишингиз мумкин] ва суҳбат жараёнида маркетинг концепциясини, шунингдек ташкилотдаги унинг ўрнини муҳокама қилишингиз лозим. Кейин сиз маркетингнинг бизнесдаги бошқа вазифалар билан қандай ўзаро боғлиқлигини тадқиқ қиласиз.</p>

1-топшириқ	<ul style="list-style-type: none"> • Сиз интервьюнинг бир қисми сифатида 10 дақиқалик тақдимотни кўрсатишингиз лозим. Тақдимотингиз қуйидагиларни қамраб олиши керак: <ol style="list-style-type: none"> 1. Маркетинг концепцияси мавзусига кириш, жумладан жорий ва келажакдаги ғоялар. 2. Турли маркетинг жараёнларининг шарҳи. 3. Ташкилот контекстида маркетинг бўйича менежернинг вазифа ва масъулиятини тушунтириш. 4. Ташкилотнинг бошқа функционал бўлинмаларига маркетингнинг таъсири ва улар билан ўзаро алоқаси таҳлили. 5. Маркетинг тутган ўриннинг аҳамияти ва муҳимлигининг ташкилот контекстидаги таҳлили. 6. Турли функционал бўлимлар ўртасидаги самарали ўзаро алоқа мавжудлигининг аҳамиятини умумлаштирувчи хулосалар.
Далилларнинг зарурий рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Тақдимот слайдлари. • Спикернинг қайдлари.

Мазкур топшириқ учун мезонлар:	
Тавсия этилган мезонлар	Мезонга эришиш учун сиз нимага қодирлигингизни кўрсатишингиз лозим:
A.P1	Маркетинг функциясининг роли ва мажбуриятларини таҳлил қилинг.
A.P2	Маркетингнинг роли ва вазифалари ташкилотнинг кенгроқ шароити билан қандай ўзаро боғлиқлигини тушунтиринг.
A.P3	Маркетинг ва ташкилотнинг бошқа функционал бўлимлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг аҳамиятини таҳлил қилинг.

<p>Касбий сценарий ва контекст</p>	<p>Сиз 1-топшириқда фойдаланилган ташкилотнинг маркетинг бўйича янги раҳбари этиб тайинландингиз.</p> <p>Сиз олдингизга қўйган биринчи мақсад – рақобатни таҳлил қилиш ва ташкилот учун маркетингга оид мақсадларни тарғиб қилиш учун ўз натижаларингизга асосланган маркетинг режасини ишлаб чиқиш.</p>
<p>2-топшириқ</p>	<p>Мустақил топшириқ икки қисмдан иборат:</p> <p>А қисми</p> <p>Айнан битта рақобатли бозордаги икки турли ташкилотнинг 7P “маркетинг-микс” нинг турли элементларини қандай қўллашини солиштиринг. Бу маркетинг жамоаси учун қисқача йўриқномангга оид ҳужжат сифатида тақдим этилади.</p> <p>Қисқача йўриқномангга оид ҳужжатда танлаб олинган икки ташкилотга тааллуқли бизнес-мақсадларга эришиш учун “маркетинг-микс”нинг қандай қўлланилиши аниқланади. Ўтказилган тадқиқот вазиятга оид таҳлилингизнинг асоси бўлиб хизмат қилади ва сизга қиёслаш натижаларига асосан ташкилотингиз учун маркетингга оид мақсад ва вазифаларни шакллантириш имконини беради.</p> <p>В қисми</p> <p>Маркетингга оид мақсад ва вазифаларни бажариш учун маркетинг режасини тузинг. Маркетинг режаси 7P “маркетинг-микс” нинг барча элементларини, тактик ҳаракатлар режасини, ривожланишни мониторинг қилиш ва баҳолаш учун тадбирларни, мақсад ва вазифаларга эришишни ўз ичига олиши лозим.</p>
<p>Тасдиқлашнинг зарурий рўйхати</p>	<p>Бажарилган маркетинг режаси.</p> <p>Маркетинг режасининг мақсад ва вазифаларини қўллаб-қувватлаш учун вазиятга оид таҳлилни тадқиқ қилиш ҳақида қисқача йўриқноманг ҳужжати. Тадқиқотларингизда Гарвард ҳаволалар тизимидан фойдаланиш лозим.</p> <p>Гарвард ҳаволалар тизимидан фойдаланиш билан боғлиқ библиография.</p> <p>Сўзларнинг тавсия этилган чегараси 1000–1500 сўздан иборат, лекин сўзларнинг умумий чегарасидан ошиб кетсангиз ҳам жазоланмайсиз.</p>

Мазкур топшириқ учун мезонлар:	
Тавсия этилган мезонлар	Мезонга эришиш учун сиз нимага қодирлигингизни кўрсатишингиз лозим:
V.P1	Бизнес-мақсадларга эришиш учун режалаштириш жараёнида комплекс ҳаракатларни қўллашда турли ташкилотлар фойдаланадиган усулларни солиштиринг.
V.P2	Бизнес-мақсадларга эришиш усулларини намойиш этиш учун ташкилотлар томонидан қўлланиладиган турли тактикаларни баҳоланг.
C.P1	Умумий маркетинг мақсадларга эришиш учун 7P дан тактик фойдаланиш орқали стратегик маркетинг режани ишлаб чиқинг ва баҳоланг

Мустақил топшириққа ёрдам бериш учун маълумот манбалари	
Мазкур мустақил топшириққа илова қилинган бошқа баҳоловчи материаллар	

2-модул: Маркетинг коммуникациялари ва техникалари тамойиллари

Ўқув қўлланма

Модул билан танишиш

Мазкур модулнинг мақсади – ўқувчиларда Ўзбекистонда республика даражасида ва бутун дунёда фойдаланиладиган маркетингга оид алоқа воситалари ва техникалар тўғрисидаги билим ва тушунчаларни ривожлантиришдан иборат. Ўқувчилар энг муҳим назарияларни ва асосларни ўрганадилар ҳамда уларни реал мисоллар билан, жумладан, ўзлари кундалик ҳаётларида тўқнаш келишлари мумкин бўлган маркетингга оид алоқалар билан боғлашлари мумкин бўлади.

Сиз ўқувчиларни турли ташкилотларнинг маркетингга оид алоқаларини кўриб чиқишга ва уларнинг ўз алоқа мақсадларига эришиш учун турли маркетинг каналларидан қандай фойдаланишларини тушунишга ундашингиз лозим бўлади. Амалиёт нуқтаи назаридан ўқувчилар ўз танловларига кўра ташкилот учун алоқавий мақсадларни ишлаб чиқа олишлари, канал ва алоқавий мақсадларга мос келадиган контентни ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришни билишлари лозим. Шунингдек, улар алоқавий стратегияни, канал танловини ва ижодий контентни баҳолай олишлари керак бўлади.

Ўқувчиларга модулни билишлари ва тушунишларини намоиш этишлари учун турли ташкилотларни ҳамда уларнинг маркетингга оид алоқаларини тадқиқ қилиш ва муҳокама қилишлари учун кўплаб имкониятлар тақдим этилиши зарур.

Мазкур модулни яқунлаш учун ўқувчиларингизга интернет, журналлар ва китобларни ўз ичига оладиган бир қатор тадқиқот материалларидан фойдаланиш имконияти тақдим этилиши лозим.

Сиз мазкур модулда ўқитишнинг турли усулларидадан фойдаланишингиз мумкин, масалан:

- муҳокама – маркетингга оид алоқалар, уларнинг турли ташкилотларда қўлланилиши ва уларнинг муҳимлигини синфда ва кичик гуруҳларда муҳокама қилиш;
- мустақил ва гуруҳли тақдимотлар – маркетингга оид алоқаларни ва ташкилотнинг муваффақияти ва муваффақиятсизлиги билан боғлиқлигини қамраб олади;
- кейс-стадилар ва видеоклиплар – бизнесдаги маркетингга оид алоқаларни тасвирлайди;
- маркетингга оид алоқаларга тааллуқли бўлган ОАВ материаллари ва журналлардаги мақолалар;
- интернет – маркетингга оид алоқаларга доир суҳбатлар ва видеороликлар.

Гуруҳлардаги машқ ўқитишнинг мақбул шакли ҳисобланади, бироқ сиз ҳар бир ўқувчи баҳолаш учун етарли даражадаги ўзининг шахсий далиллари тақдим этаётганига ишонч ҳосил қилишингиз лозим.

Ўқитиш мақсадларига эришиш

А – ўқитиш мақсади учун ўқувчиларнинг турли маркетинг каналларини ва уларнинг алоқавий мақсадларга хизмат қилишини тушунишлари муҳим ҳисобланади. Сиз ўқувчилардан ўзларининг маркетингга оид алоқалар соҳасидаги билимларини муҳокама қилишлари ва ўз ғояларини синф билан ўртоқлашишлари учун кичик гуруҳларда ишлашларини сўрашингиз мумкин.

Ўқувчиларга турли ташкилотлар учун маркетингга оид алоқалар тўғрисидаги ва уларнинг ташкилотга қандай таъсир этиши мумкинлиги тўғрисидаги билимларини ўртоқлашишни таклиф этиш орқали мавзунини очиб беринг. Тармоқда бир қатор ташкилотлар учун маркетингга оид алоқаларни тасвирлаб берадиган маркетинг алоқаларининг кўплаб мисоллари мавжуд. Гуруҳли баҳс-мунозараларни ўтказиш учун мавзуга оид тадқиқотлардан ва сценарийлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Муҳокама қилиш ва ўз шахсий мисолларини қўшишларига имконият бериш мақсадида синфга самарали ва самарасиз маркетингга оид алоқаларнинг мисолларини келтириш лозим.

Маркетингга оид алоқаларни муҳокама қилиш учун маҳаллий ва миллий корхоналардан спикерлар таклиф этилиши мумкин. Ўқувчиларга спикерлар келгунига қадар маркетингга оид алоқалар ва уларнинг ташкилотга қандай фойда келтириши мумкинлиги ҳақида саволлар тайёрлаш топшириғи берилиши лозим. Бу ўқувчиларнинг мазкур фаолиятдан максимал натижа олишларини кафолатлаши керак бўлади.

В ва С ўқитиш мақсадлари учун ўқувчиларнинг ташкилот учун маркетингга оид алоқаларни ишлаб чиқа олишларига, шунингдек каналга ва мазкур алоқавий мақсадларга мос келадиган контентни ярата олишларига ишонч ҳосил қилинг. Ўқувчиларни ташкилотлар учун яхши маркетингга оид алоқаларнинг кадр-қимматиини мустақил ўрганишларига ва ўз хулосаларини гуруҳ билан ўртоқлашишларига унданг.

Ўқувчиларга ўзларининг шахсий маркетингга оид алоқаларини ишлаб чиқишларидан аввал маркетингга оид алоқаларни тадқиқ қилиш имкониятини берадиган кейс-стадилар тақдим этилиши мумкин.

D – ўқитиш мақсади учун ўқувчиларнинг ўз индивидуал танқидий баҳолашларини яқунлашларидан аввал танқидий баҳоланишни амалиётда ўтаганларига ишонч ҳосил қилинг.

Баҳолашга доир қўлланма

Мазкур модул бир қатор мустақил топшириқлар орқали ўқитадиган ташкилотнинг ичида баҳоланади. Ҳар бир топшириқ ҳеч бўлмаганда битта ўқитиш мақсадини қамраб олиши лозим. Ўқитиш мақсадининг мезонларга кўра топшириқларга ёки қуйи топшириқларга бўлинмасдан бутунича баҳоланиши муҳим ҳисобланади.

Барча ўқувчилар тасдиқланиши мумкин бўлган шахсий далилларини мустақил тарзда ишлаб чиқишлари лозим. Алоҳида тадқиқотлар билан бирга келадиган алоҳида ёзма ҳисоботлар далилларнинг асосий манбалари бўлиши мумкин.

Модулнинг бошланиши

Сизга модулни ўрганишнинг битта усули учун бошланғич нуқта берилади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

2-модул: Маркетинг коммуникациялари ва техникалари тамойиллари

Кириш

Ўқувчиларни гуруҳли муҳокама ёрдамида модул билан таништиришдан бошланг. Бу уларнинг ўзлари фаолият юритадиган ташкилотларидаги қарор қабул қилиш жараёнига тааллуқли бўлган модулни ўқитиш мақсадларининг баёни билан биргаликда келиши мумкин.

А – ўқитиш мақсади: Маркетингнинг турли ёндашувлари ва уларнинг коммуникация мақсадларига хизматини ўрганиш

- Сиз ўқувчилардан улар «маркетингга оид алоқалар» атамасини қандай тушунишлари ҳақида ўйлаб кўришларини сўрашдан бошлашингиз мумкин.
- Ўқувчилардан навбатдаги «Маркетингга оид алоқалар ва уларнинг мижозлар ҳамда ташкилотга таъсири» мавзусини муҳокама қилишларини сўранг. Маркетингга оид алоқалар ва уларнинг турли ташкилотларда қўлланилиши борасидаги муҳокамани қўллаб-қувватлаш учун ўқувчиларнинг мисолларидан фойдаланинг.
- Мижозларнинг эътиборларини жалб этиш, уларда ўзаро боғлиқлик, идрок этиш ва содиқлик ҳисларини шакллантириш учун брендларни тарғиб қилиш ва ривожлантиришдаги маркетингга оид алоқаларнинг тутган ўрни ҳақида гуруҳда муҳокама ўтказинг.
- Ўқувчилардан болалар учун реклама ва «pester power» (боланинг ота-онасидан бирор нимани сотиб олиб беришларини сўрай олиш қобилияти), сотувлар чоғида босим ўтказиш усуллари, «greenwash» (ҳалокатли фаолиятни яшириш, сир сақлаш ёки камайтириб кўрсатиш мақсадида атроф-муҳитга нисбатан ёлғон ёки чалкаштирувчи дўстона муносабат) ва махфийлик каби маркетингга оид алоқалардаги ахлоқий масалаларга доир ўзларининг фикрлари билан ўртоқлашиш учун кичик гуруҳларда иш олиб боришларини сўранг.

В – ўқитиш мақсади: Коммуникация мақсадларини ривожлантира олиш

С – ўқитиш мақсади: Коммуникация мақсадлари ва каналига мос контентни ишлаб чиқиш ва ривожлантиришнибилиш

- Алоқа мақсадлари ва алоқа каналлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавзусига кириш. Ўқувчилардан ўзлари биладиган баъзи товар ва хизматларни айтиб беришларини сўранг ва уларни тарғиб қилиш учун фойдаланиладиган каналларни муҳокама қилинг. Булар ўқувчиларга таниш бўлган ҳар қандай товар ва хизматлар бўлиши мумкин.
- Ташкилотнинг умумий муваффақиятига мазкур товар ва хизматларни сотиш учун фойдаланиладиган каналларнинг қандай кўмаклашиши тўғрисида муҳокама ўтказинг. Натижаларни синф билан муҳокама қилинг.
- Синфда ўқувчилар маркетингга оид интеграцион (қисмлари жамланган) алоқалар ва муваффақиятли маркетинг учун унинг аҳамиятини муҳокама қилишда иштирок этишлари мумкин.
- Ўқувчилардан ташкилот учун алоқавий мақсадлар ҳақидаги ғояларини ўртоқлашишларини ва синф билан ўртоқлашиш мумкин бўлган мисолларнинг рўйхатини тайёрлашлари учун жуфтликларда иш олиб боришларини сўранг.
- Тўғри алоқа каналларидан фойдаланиш ташкилотга ўзининг маркетингга оид мақсадларига эришишида қандай ёрдам бериши мумкинлиги тўғрисида муҳокама ўтказинг.
- Маркетингга оид алоқаларни муҳокама этиш учун спикерлар таклиф этилиши мумкин. Ўқувчилар унга маркетингга оид алоқалар ва улардан спикернинг ташкилотида қандай фойдаланилиши тўғрисида саволлар беришлари мумкин бўлади. Спикер тегишли мисолларни келтириш орқали ўзининг ташкилотида маркетингга оид алоқалардан қандай фойдаланилишини тушунтириб бериши мумкин.

D – ўқитиш мақсади: Коммуникацион стратегияни баҳолай олиш, канал ва ижодий контентни танлаш

- Ўқувчилар бир қатор ташкилотларнинг алоқага оид стратегияларини, каналлар танловини ва ижодий контентни баҳолаш учун кичик гуруҳларда иш олиб борадилар. Мазкур ташкилотлар тижорий ёки нотижорий бўлишлари мумкин (масалан, ҳайрия ёки нодавлат ташкилотлари).
- Ўқувчилар ўзларининг баҳоланувчи ҳисоботлари учун мос келадиган кейс-стадини ўрганишлари лозим бўлади. Ўзларининг дастлабки мулоҳазалари билан ўртоқлашиш, кейин эса ўз хулосаларини синфга тақдим этиш учун ўқувчилар жуфтликларда ёки кичик гуруҳларда иш олиб боришлари мумкин.
- Ҳар бир ўқувчи алоқага оид стратегияни, канал танловини ва ижодий контентни ўз ичига оладиган кейс-стадини танқидий таҳлил қилиш қобилиятини намоён этиш учун мустақил ҳисоботни баҳолаш учун тақдим этиши лозим. Ўқувчиларнинг баҳолаш учун ўз ҳисоботларини ёзишга киришишларидан аввал турли ташкилотларнинг маркетингга оид алоқаларини ўрганиш ва танқидий таърифни амалда синаб кўришлари учун кўплаб имкониятларга эга бўлишлари муҳим ҳисобланади.

ВТЕС нинг бошқа модулларига ва малакаларга ҳаволалар

Ресурслар

Китоблар

BAKER, M, J. (2014) *Marketing Strategy and Management*, 5th Ed. London: Palgrave Macmillan

BLYTHE, J, (2013) *Principles and Practice of Marketing: Edition 3*, Sage

BRASSINGTON, F. and PETTITT, S. (2012) *Essentials of Marketing*, 3rd Ed. Harlow: Pearson

CLOW, K. and BAACK, D. (2013) *Integrated Advertising, Promotions and Marketing Communications* (Global edition), 6th Ed. Harlow: Pearson

GROUCUTT, J. and HOPKINS, C. (2015) *Marketing* (Business Briefings), London: Palgrave Macmillan

HACKLEY, C. (2010) *Advertising and Promotion: An Integrated Marketing Communications Approach*, 2nd Ed. London: Sage Publications

Журналлар

Journal of Marketing

Веб-сайтлар

www.ted.com/topics/marketing

TED – бу 100 дан ортиқ тиллардаги, одатда қисқа (18 дақиқадан кўп бўлмаган), кучли нутқлар шаклидаги, турли мавзуларга доир ғояларни тарқатиш билан шуғулланадиган нодавлат ташкилот.

www.youtube.com/playlist?list=PLfwoaiiezPT-E9gcZ6AV1et2hcd92J21C

«Маркетинг бўйича ўқитувчи» ўқувчилар, ўқитувчилар ва маркетинг бўйича мутахассислар учун маркетинг ва менежментга доир бир қатор бепул видеороликларни таклиф этади.

Pearson ташқи интернет-сайтларнинг мазмунига жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Ҳар бир веб-сайтни синфда фойдаланишдан аввал, URL-манзилнинг ҳамон аниқ, ишончли ва ўринли эканига ишонч ҳосил қилиш учун ўқитувчилар томонидан кўриб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни танланган саҳифаларда сақлашни ва ўқувчиларга мактаб / коллежнинг ички тармоғи орқали улардан фойдаланишга рухсат беришларини маслаҳат берамиз.

Иш схемаси

Модул	Маркетинг коммуникациялари ва техникалари тамойиллари
Ўқув соатлари	60
Дарслар сони	20
Дарслар давомийлиги	3 соат
Бошқа модулларга ҳаволалар	1-модул: Маркетинг асослари 3-модул: Рақамли технологиялар даврида маркетинг

Ўқитиш учун калитлар			
ЁМТ	Ёзма мустақил топшириқ	ММ	Материални мустаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқитиш	ИТ	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	Маркетингга оид алоқалар ва уларнинг ташкилотнинг ичидаги ҳамда ташқи манфаатдор томонлар, айниқса, мижозлар учун муҳимлигини аниқлаш.	Ўқитувчининг раҳбарлигида, шунингдек мустақил ўқув машқлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: маркетингга оид алоқаларнинг мақсадлари ва уларнинг бизнесга нисбатан муносабатлари: <ul style="list-style-type: none"> ○ манбаларнинг қийматини ошириш ва улардан максимал фойдаланиш учун нега алоқа интеграцияланган бўлиши лозим ○ маркетинг ва корпоратив алоқа ўртасидаги боғлиқлик. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: маркетингга оид алоқаларга нисбатан турли таърифлар ва ёндашувларни муҳокама қилиш: <ul style="list-style-type: none"> ○ ташкилотлар ва уларнинг бизнес-мақсадлари учун маркетингга оид алоқаларнинг аҳамиятини баҳолаш; ○ манбалардан самаралироқ фойдаланиш, шунингдек бизнеснинг самарадорлигини ошириш учун маркетингга оид алоқаларнинг ёндашувини тадқиқ қилиш. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзадилар ва таянч атамалар глоссарийсини тузадилар. • Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда аниқланган асосий жиҳатларини тасдиқлаш. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимот учун қайдлар.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
2	Маркетингга оид алоқалар доирасида турли манфаатдор томонлар билан таништириш	Ўқитувчининг раҳбарлигида, шунингдек мустақил ўқув машқлари	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: ички ва ташқи таъминотчилар – молия, бренд-менежерлар, ҳисоб ёзувларини бошқариш, агентликлар, дизайнерлар ва маслаҳатчилар: <ul style="list-style-type: none"> ○ алоқага оид амалиётларнинг қийматини максималлаштириш учун вазифалараро муносабатлар ўрнатишнинг муҳимлиги. • Гуруҳдаги машқ: маркетингга оид алоқаларга нисбатан турли хил ёндашувлар ёрдамида манфаатдор томонлар билан ўзаро боғлиқликни тадқиқ қилиш. • Гуруҳдаги муҳокама: вазифалараро муносабатлардан самарали фойдаланиш эвазига маркетингга оид алоқаларнинг қийматини максималлаштириш. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзиб борадилар. • Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда аниқланган асосий жиҳатларини тасдиқлаш. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимот учун қайдлар.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
3	А – ўқитиш мақсади: Маркетингнинг турли ёндашувлари ва уларнинг коммуникация мақсадларига хизматини ўрганиш	Ўқитувчининг раҳбарлигида, шунингдек мустақил ўқув машқлари	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: брендингнинг устунликлари: <ul style="list-style-type: none"> ○ ранглар ва белгилар брендни яратиш воситалари сифатида; ○ маркетингга оид алоқалар ва брендинг нуфузи – брендинг таниқлилиги, бренд билан ўзаро боғлиқлик, идрок этиш, мижозларнинг содиқлигининг шаклланиши. • Гуруҳларда машқлар: брендинг ривожланишида ва уни тарғиб қилишда маркетингга оид алоқаларнинг тутган ўрни ҳақидаги турли илмий нашрларни тадқиқ қилиш. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар брендингнинг бизнесга келтириши мумкин бўлган эҳтимолий устунликларини ўрганадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: брендингнинг ҳар хил турлари ва воситаларининг самарадорлиги. • Гуруҳлардаги тадқиқот машқи: муайян мисолларни тақдим этган ҳолда бренд нуфузининг параметрларини ўрганиш. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзиб борадилар. • Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда аниқланган асосий жиҳатларини тасдиқлаш. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимот учун қайдлар.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
4	Корпоратив шахснинг фирма услубини, фирма услуби ва корпоратив имижни ишлаб чиқиш	Ўқитувчининг раҳбарлигида, шунингдек мустақил ўқув машқлари	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: корпоратив алоқанинг мақсадларини аниқлаш: <ul style="list-style-type: none"> ○ корпоратив алоқаларнинг ҳажмлари – белгилари ва хатти-ҳаракат тарзи, уларнинг маркетинг ва бошқарув алоқалари билан боғлиқлиги. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: фирма услубини, бренднинг индивидуаллигини ёки ишга оид имижни қандай яратиш мумкин ва истеъмолчиларда бренд тўғрисида қандай қилиб кучли таассурот қолдириш мумкин? • Жуфликда бажариладиган машқлар: реал вақт мобайнида турли вазиятлардаги корпоратив мулоқотнинг турли жиҳатларини ва унинг мақсадларини тадқиқ қилиш. • Ўқувчилар натижаларни синфда муҳокама қиладилар ва флипчартдан фойдаланган ҳолда асосий жиҳатларини ажратиб оладилар. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз қайдларини ёзиб борадилар. • Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда аниқланган асосий жиҳатларини тасдиқлаш. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Флипчарт.</p> <p>Корпоратив мулоқот ва унинг мақсади ҳақидаги кейс-стадилар.</p> <p>Тақдимот учун қайдлар.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарслар тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
